

## **Иқтисодиёт бўйича иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича**

### **Услубий низом**

#### **I. Умумий қоидалар**

Мазкур Услубий низом иқтисодиётда иш ҳақи кўринишидаги яширин тўловларни инобатга олган ҳолда ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотларни статистик кузатувлар асосида ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Услубий Низом давлат статистика органлари томонидан яширин тўловларни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудлар кесимида тўлиқ иш ҳақи миқдорини баҳолаш учун статистик мақсадларда фойдаланилади. Мазкур Услубий низом бошқа мақсадларда (солиққа тортиш, тўловлар ва бошқалар) фойдаланиш учун татбиқ этилмайди.

#### **II. Асосий тушунча ва таърифлар**

1. Мазкур Услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади.

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

**Реал иш ҳақи** – базис давр нархларидан келиб чиқиб, жорий даврдаги иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ифодалайди.

**Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони** - ойнинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охириги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 – моддаларида келтирилганлар ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

**Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони** – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқхонанинг ўзидан янги туғилган чақалоқни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган

ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

### **III. Номинал ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш манбалари**

2. Номинал ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари ва статистик кузатувларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ва ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони (бундан буён матнда ходимлар сони деб юритилади) кўрсаткичлари асосида шакллантирилади.

3. Номинал ҳисобланган иш ҳақини ҳисоблашда қуйидаги манбалардан фойдаланилади:

Давлат статистика кузатуви шакллари:

- 1-mehnat shakli (чораклик, йиллик) “Меҳнат ҳисоботи”;
- 1-KB shakli (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи”
- 1-NNT shakli (йиллик) “Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 3-kom shakli (йиллик) “Хусусий уй–жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 1-FX shakli (йиллик) “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”.
- 1-KB kuzatuv (бир марталик) “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” *(йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлган корхоналар учун);*
- 2-KB kuzatuv (бир марталик) “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” *(кузатув йилида ташкил этилган корхоналар учун);*
- 3-KB kuzatuv (бир марталик) “Кичик корхона ва микрофирманинг фаолиятини кузатиш сўровномаси” *(йиллик статистика маълумотлари бўйича маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлмаган корхоналар учун);*
- Уй хўжаликлари кузатуви маълумотлари.

### **IV. Номинал ҳисобланган иш ҳақи ҳисоби**

4. Худудлар кесимида (республика ва худудлар) маълумотларни шакллантиришда барча жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобга олинади.

5. Иқтисодий фаолият турларининг (ИФУТ-2 Таснифлагичига мувофиқ) секция ва бўлимлари кесимида маълумотларни шакллантиришда мазкур ташкилотда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимларнинг жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари ҳисобга олинади. Маълумотлар асосий фаолият тури бўйича шакллантирилади.

6. **Ҳисобот оии учун** номинал ҳисобланган иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

- **ҳудудлар бўйича:**

$$W_{nj} = \frac{Fj}{Lj}, \text{ бунда:}$$

$W_{nj}$  - номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$Fj$  - ҳисобот оии учун жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

$Lj$  - ҳисобот оии учун ходимларнинг ўртача сони;

j - ҳудуд.

- **иқтисодий фаолият турлари бўйича:**

$$W_{ni} = \frac{Fi}{Li}, \text{ бунда:}$$

$W_{ni}$  - иқтисодий фаолият турлари бўйича номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$Fi$  - ҳисобот оии учун иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат дафтарчалари мавжуд ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

$Li$  - ҳисобот оии учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимларнинг ўртача сони;

i - иқтисодий фаолият тури.

7. **Ҳисобот даври учун** номинал ҳисобланган иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

- **ҳудудлар бўйича:**

$$W_{njt} = \frac{Fjt}{Ljt} / t, \text{ бунда:}$$

$W_{njt}$  - ҳисобот даври учун номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$Fjt$  - ҳисобот даври учун жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

$Ljt$  - ҳисобот даври учун ходимларнинг ўртача сони;

j – ҳудуд;

t – ҳисобот давридаги ойлар сони.

- **иқтисодий фаолият турлари бўйича:**

$$W_{nit} = \frac{Fit}{Lit} / t, \text{ бунда:}$$

$W_{nit}$  - ҳисобот даври учун иқтисодий фаолият турлари бўйича номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$Fit$  - ҳисобот даври учун иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат дафтарчалари мавжуд ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

$Lit$  - ҳисобот даври учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимларнинг ўртача сони;

i - иқтисодий фаолият тури.

t – ҳисобот давридаги ойлар сони.

8. Реал иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

$$T_{wr} = \frac{Wn}{I} * 100 \%, \text{ бунда}$$

$T_{wr}$  – реал ҳисобланган иш ҳақи;

$Wn$  – номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$I$  - истеъмол нархлари индекси.

#### **V. Яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини ҳисоблаш**

9. Яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги номинал ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдори давлат статистика ҳисоботлари ва статистик кузатувлар (кичик тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликлари кузатувлари) натижалари асосида шакллантирилган кўрсаткичларни ҳисобга олиш орқали аниқланади.

10. Яширин тўловларни инобатга олган ҳолдаги номинал ҳисобланган иш ҳақи қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

- **ҳудудлар бўйича:**

$$CW_{nj} = W_{nj} * K_{dj}, \text{ бунда:}$$

$CW_{nj}$  - яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$W_{nj}$  - ҳисобот даври учун номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$K_{dj}$  - эксперт баҳолаш усулида яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган қайта ҳисоблаш коэффициенти;

$j$  – ҳудуд;

- **иқтисодий фаолият турлари бўйича:**

$$CW_{ni} = W_{ni} * K_{di}, \text{ бунда:}$$

$CW_{ni}$  - яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$W_{ni}$  - ҳисобот даври учун иқтисодий фаолият турлари бўйича номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$K_{di}$  - эксперт баҳолаш усулида яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган қайта ҳисоблаш коэффициенти;

$i$  - иқтисодий фаолият тури.

11. Яширин тўловларни инобатга олган ҳолдаги реал иш ҳақи қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$T_{cwr} = \frac{CWn}{I} * 100 \%, \text{ бунда:}$$

$T_{cwr}$  - яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги реал ҳисобланган иш ҳақи;

$CWn$  - яширин тўловларни ҳисобга олган ҳолдаги номинал ҳисобланган иш ҳақи;

$I$  - истеъмол нархлари индекси.

## **VII. Яқуний қисм**

12. Номинал ҳисобланган иш ҳақи ҳисоби Давлат статистика қўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларга мувофиқ амалга оширилади.

13. Чораклик даврийликдаги ҳисоблар қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларида ишловчиларсиз, йил учун барча корхона ва ташкилотлар бўйича амалга оширилади.